



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **23** yil « **21** » **dekabr** № **673**

Toshkent sh.

Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш тизими тубдан ислох қилиниб, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Солиқ маъмуриятчилигида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтириш, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг иш самарадорлигини ошириш, вақтини тежаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–73-сон қарори ижросини таъминлаш, товар-моддий бойликларни ташиш учун товар-транспорт юк хатларини электрон шаклда расмийлаштириш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 октябрдаги 807-сон қарорига асосан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан товар-транспорт юк хатларини электрон шаклда расмийлаштириш тизимини жорий этиш бўйича Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри, Навоий ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида тажриба ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг республика ҳудудида **2024 йил 1 апрелдан бошлаб** йирик солиқ тўловчилар учун, **2024 йил 1 июлдан бошлаб** барча хўжалик юритувчи субъектлар учун товар-транспорт юк хатларини электрон шаклда расмийлаштириш, сақлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш тизимини мажбурий тартибда жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар” илмий ахборот маркази” давлат унитар корхонаси электрон юк хатларини марказлаштирилган ҳолда сақлаш, операторлараро узатиш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича ваколатли роуминг оператори этиб белгилансин.

3. 2024 йил 1 январга қадар:

Ички ишлар вазирлиги Транспорт вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси билан биргаликда электрон шаклда расмийлаштирилган товар-транспорт юк хатларини йўлларда назорат қилиш тартибини;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси, Транспорт вазирлиги ва Энергетика вазирлиги билан биргаликда экспорт ва импорт операциялари бўйича халқаро юк ташиш, шунингдек, қувур транспортида ташиш хужжатларини рақамлаштириш ва ўзаро ахборот алмашиш тизимини жорий этиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузилган шартномаларни электрон рўйхатдан ўтказиш ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни электрон расмийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 апрелдаги 249-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 октябрдаги 807-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси Транспорт вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий хужжатларни **икки ой** муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров, транспорт вазири И.Р. Маҳкамов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “23” декабрдаги 673 -сон қарорига
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар (товар ва хизматлар)
ягона электрон миллий каталогини жорий этиш, тадбиркорлик
субъектлари ўртасида тузилган шартномаларни электрон рўйхатдан
ўтказиш ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни
электрон расмийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”
2021 йил 28 апрелдаги 249-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “тасдиқлансин” сўзи чиқариб ташлансин;
қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Товар-транспорт юк хатларини электрон шаклда расмийлаштириш
тартиби тўғрисидаги низом 3¹-иловага мувофиқ тасдиқлансин”.

2. Қуйидаги мазмундаги 3¹-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 апрелдаги 249-сон қарорига
3¹-илова

**Товар-транспорт юк хатларини электрон шаклда
расмийлаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом товар-транспорт юк хатларини электрон ҳужжат
айланиш тизими операторларининг ахборот тизимлари орқали электрон
шаклда расмийлаштириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

товар-транспорт юк хати — товар-моддий қимматликларни ҳисобдан
чиқариш, уларни олиб ўтиш йўлида ҳисобини юритиш, кирим қилиш,
омборхона операцияларини ва бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек,
юкни ташиш учун ҳисоб-китоблар қилиш ҳамда бажарилган ишларни
ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳужжат;

электрон товар-транспорт юк хати — белгиланган тартибда электрон
шаклда расмийлаштириладиган товар-транспорт юк хати;

буюртмачи — транспорт хизматларини кўрсатиш ҳақидаги талабнома
билан мурувжаат қилган юкни жўнатувчи, юкни олувчи, экспедитор;

мижоз – экспедиторга ўз ҳисобидан белгиланган юк ташиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш ёки кўрсатишни ташкил этиш бўйича тузилган транспорт экспедиция шартномаси томони – юк жўнатувчи ёки юк олувчи;

электрон товар-транспорт юк хати тизими оператори (кейинги ўринларда – Оператор) – қонунчилик ҳужжатларида ва ушбу Низомда белгиланган талабларни бажарган ЭТТЮХиларнинг айланиши ва уларни сақлаш фаолияти билан шуғулланишга рухсат этилган юридик шахс мақомига эга ахборот воситачиси;

роуминг оператори – марказлаштирилган ҳолда сақланиши, операторлараро узатилиши ва ҳисоби юритилишини таъминлайдиган юридик шахс;

тасдиқланган ЭТТЮХ – юк жўнатувчи, юк олувчи ва юкни етказиб берувчи масъул шахс томонидан электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган электрон ҳужжат;

ҳайдовчи – меҳнат шартномаси ёки фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида фаолиятини амалга ошираётган, транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс, шунингдек, юкни етказиб берувчи шахс;

экспедитор – транспорт экспедицияси шартномаси томони – товарларни ташишни ташкил этиш билан шуғулланувчи юридик шахс;

ЭТТЮХни расмийлаштириш жараёни иштирокчилари (кейинги ўринларда – иштирокчилар) – юк жўнатувчи, юк олувчи ва юкни етказиб берувчи (ташувчи) масъул шахслар;

юк жўнатувчи – юк ташиш жараёнида юк эгаси ёки шартнома (воситачилик, топшириқ) асосида унинг номидан иш юритувчи ишончли вакил;

юк олувчи – юкни ва юкка илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилганларни олишга вакил қилинган юридик ёки жисмоний шахс;

юк ташувчи – мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосларда транспорт воситасига эга бўлган, юк жўнатувчи, юк олувчи ёки юк ташиш шартномаси асосида юкни белгиланган манзилга етказиб берувчи юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек, экспедитор;

юкни етказиб берувчи – юк жўнатувчи, юк олувчи ёки экспедитор;

юкни етказиб берувчи масъул шахс – меҳнат шартномаси ёки фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида фаолиятини амалга ошираётган, юкларни қабул қилиш, кузатиб бориш ва топшириш бўйича транспорт-экспедиторлик операцияларини амалга оширувчи шахс;

QR-код – электрон товар-транспорт юк хатларига бириктириладиган, дастурий маҳсулотлар орқали ўқиш (сканерлаш) вақтида электрон товар-транспорт юк хатлари ҳақида барча маълумотларга ҳавола бўладиган махсус матрицали штрих код.

3. Юк ташиш қуйидаги тартибларда амалга оширилади:

юк жўнатувчи томонидан ўз транспорт воситаси (ёки ижарага олинган транспорт воситаси) орқали ташиш;

юк олувчи томонидан ўз транспорт воситаси (ёки ижарага олинган транспорт воситаси) орқали ташиш;

экспедитор томонидан ўз транспорт воситаси (ёки ижарага олинган транспорт воситаси) орқали ташиш;

юк ташиш шартномаси асосида юк ташиш хизматини кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс томонидан ўз транспорт воситаси (ёки ижарага олинган транспорт воситаси) орқали ташиш.

4. Ушбу Низомда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товар-транспорт юк хати юк жўнатувчи томонидан электрон шаклда шакллантирилиши шарт.

5. Электрон товар-транспорт юк хати электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, электрон ҳужжат айланиш тизими операторларининг ахборот тизими орқали шакллантирилади.

6. Электрон товар-транспорт юк хатини шакллантириш, юбориш, тасдиқлаш ва сақлаш бўйича хизматлар хўжалик юритувчи субъект ва оператор ўртасида тузилган шартнома (оммавий оферта) асосида кўрсатилади.

7. Товар-транспорт юк хатлари шаклда электрон ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ расмийлаштирилади.

8. Мазкур Низомга 2-иловадаги шаклда электрон расмийлаштирилган товар-транспорт юк хати товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқаришга, товар-моддий бойликларнинг кирим қилинишига, шартномалар (юк ташиш ва транспорт-экспедиторлик) асосида кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишга, транспорт ишини ҳисобга олиш, ҳайдовчига (юкни етказиб берувчи масъул шахсга) иш ҳақи ёзиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

9. Ахборот тизимида электрон товар-транспорт юк хатини расмийлаштиришда техник носозликлар юзага келганда, товар-транспорт юк хати қоғоз шаклида расмийлаштирилади. Бунда, техник носозликлар электрон товар-транспорт юк хати тизими оператори томонидан расман тасдиқланган бўлиши лозим ва ахборот тизимидаги носозликлар бартараф этилгандан сўнг беш календарь куни ичида қоғоз шаклида кўрсатилган сана билан товар-транспорт юк хати электрон шаклда ахборот тизимига киритилиши шарт.

10. Солиқ тўловчилар томонидан давлат сирига тааллуқли бўлган юк ташишлар амалга оширилганда, товар-транспорт юк хати белгиланган тартибда қоғоз шаклида расмийлаштирилади.

11. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни киритган ҳолда расмийлаштирилган электрон товар-транспорт юк хати билан юкларни ташиш – **сохта ҳужжатлар бўйича ташиш** ҳисобланади ҳамда қонунчилик ҳужжатларига асосан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

2-боб. Электрон товар-транспорт юк хатини шакллантириш тартиби

12. Юкни автомобиль, темир йўл, ҳаво, сув транспортида ёки ушбу транспорт турлари уйғунлигида ташишга электрон товар-транспорт юк хати юк жўнатувчи томонидан белгиланган тартибда ҳар бир транспортнинг катновига алоҳида ҳар бир юкни олувчининг номига тузилади.

13. Товар-транспорт юк хати ушбу Низомга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ қуйидаги тартибда тўлдирилади:

Товар-транспорт юк хати тартиб рақами ва санаси киритилади;
ташиш тури (“Омбордан омборга” ёки “Сотувчидан сотиб олувчига”) танланади;

ташиш тури “Сотувчидан сотиб олувчига” режими танланганда, олди-сотди шартномаси рақами ва санаси киритилади;

транспорт тури (автомобиль, темир йўл, ҳаво, сув) танланади;

“Юк жўнатувчи” катакчасига юк жўнатувчи номи ҳамда солиқ тўловчининг идентификация рақами киритилади;

“Юк олувчи” катакчасига юк олувчи номи ҳамда солиқ тўловчининг идентификация рақами киритилади;

ташиш тури “Омбордан омборга” режими танланганда, юк жўнатувчи юк олувчи сифатида ҳам иштирок этади;

“Юкни етказиб берувчи” катакчасига юкни етказиб берувчининг номи ҳамда солиқ тўловчининг идентификация рақами киритилади;

“Мижоз”нинг СТИРи киритилади ҳамда тузилган “Шартнома рақами ва санаси” тўлдирилади (юкни етказиб бериш экспедитор томонидан амалга оширилган тақдирда);

“Юк ташувчи” катакчасига юк ташувчи номи ҳамда солиқ тўловчининг идентификация рақами киритилади;

“Буюртмачи”нинг СТИРи киритилади ҳамда юк ташувчи ва буюртмачи ўртасида тузилган “Шартнома рақами ва санаси” тўлдирилади (юк ташиш хизмати юк ташиш шартномаси асосида бошқа (юк жўнатувчи, юк олувчи ва экспедитордан ташқари) юридик ёки жисмоний шахс томонидан кўрсатилган тақдирда);

транспорт туридан келиб чиқиб, транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар (автомобиль, тиркама, ярим тиркама давлат рақами ва русуми, вагон рақами ва тури (ёпик, ярим очик, платформа, цистерна ва бошқалар), ҳаво кемаси рақами ва русуми, кема рақами ва русуми) киритилади;

ҳайдовчи ва юкни етказиб берувчи масъул шахс маълумотлари (Ф.И.О ва ЖШШИР) киритилади;

юк ташилаётган транспорт туридан келиб чиқиб, “Юклаш манзили” ва “Юкни етказиш манзили” тўлдирилади;

юклаш ва етказиш манзилининг оралиқ масофаси (км) тўлдирилади;

товар-транспорт юк хати шаклининг жадвал қисмига ташилаётган юкнинг реквизитлари (“Товарлар тартиб рақами”, “Товарлар номи”, “Товарларнинг Ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация

коди ва номи”, “Ўлчов бирлиги”, “Микдори”, “Нархи”, “Етказиб бериш қиймати (ҚҚСсиз)”, “Юк ташиш нархи”, “Оғирлиги (брутто, нетто, тоннада)” тўлдирилади.

Юклар юклаш манзили ва юкни етказиш манзили бўйича тўлдирилади, агар қўшимча юклаш ёки етказиш манзиллари мавжуд бўлса, қўшиш (+) тугмаси орқали амалга оширилади.

14. Воситачи томонидан комитентнинг манфаатида воситачилик хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ шартнома (воситачилик ёки топшириқ) асосида юк жўнатилганда, воситачи (ишончли вакил) юк олувчига ушбу Низомга 2-иловадаги товар-транспорт юк хати шаклининг жадвал қисми 1-устунидан аввал 1а-“Комитентнинг (юк эгасининг) номи”, 1б-“Комитентнинг (юк эгасининг) СТИРи”, 1в-“ҚҚС рақами” қўшимча устунларни киритган ҳолда товар-транспорт юк хати шакллантирилиши шарт.

15. Йирик габаритли юк бир нечта транспортда ташилганда, ҳар бир транспорт қатновига алоҳида электрон товар-транспорт юк хати шакллантирилади.

3-боб. Электрон товар-транспорт юк хатини расмийлаштириш, юбориш ва қабул қилиш тартиби

16. Юк жўнатувчи томонидан шакллантирилган электрон товар-транспорт юк хати электрон рақамли имзо билан имзолагандан сўнг электрон ҳужжат айланиш тизими томонидан автоматик тарзда QR-коди бириктирилган ҳолда иштирокчиларга юборилади ва расмийлаштирилган электрон товар-транспорт юк хати иштирокчиларнинг шахсий кабинетидан акс этади.

17. Мазкур Низомда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, юк автомобиль, темир йўл, ҳаво, сув транспортларида ёки ушбу транспорт турлари уйғунлигида ташилганда, электрон товар-транспорт юк хати расмийлаштирилмаган юклар юк жўнатувчи томонидан тақдим этилиши, юкни етказиб берувчи (юк ташувчи) эса уни ташиш учун қабул қилиб олиши тақиқланади.

18. Юкни етказиб берувчи масъул шахс юкни олганда ва етказиб берганда, юк олувчи эса юк ташиш жараёни якунланганда ўз электрон рақамли имзолари билан тасдиқлайди ёки юкни олиш жараёнида аниқ сабаби кўрсатилган ҳолда электрон товар-транспорт юк хатини рад этиши мумкин.

19. Аввал расмийлаштирилган электрон товар-транспорт юк хатига қўшимча ва тузатиш киритиш мазкур Низом талаблари асосида юк олувчи томонидан тасдиқлангунга қадар амалга оширилиши мумкин.

20. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунига асосан электрон ҳужжат белгиланган тартибда

электрон шаклда расмийлаштирилиб тасдиқланса, қоғоз шаклида талаб этилмайди ва у асл нусха ҳисобланади.

21. Электрон шаклда расмийлаштирилган юк хатларида келтирилган маълумотлар ҳимоя қилинади ҳамда Солиқ қўмитасининг маълумотлар базасида камида 5 йил давомида сақланиши таъминланади.

Бунда юк хатларининг амал қилиш муддати 5 йилдан кўп бўлганда, шартноманинг амал қилиш муддатида кам бўлмаган даврда сақланади.

22. Электрон шаклда расмийлаштирилган юк хатига бириктирилган QR-коднинг ҳаққонийлиги мобил илова ёки расмий веб-сайт орқали текшириши мумкин.

23. Солиқ органлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органларнинг ёзма сўровига асосан электрон товар-транспорт юк хатида келтирилган маълумотларни тақдим этадилар.

24. Мазкур бобда қайд этилган жараёнлар автоматлаштирилган тарзда ва реал вақт режимида амалга оширилади.

25. Электрон товар-транспорт юк хатини расмийлаштиришда ушбу Низомнинг 13-бандида қайд этилган маълумотлар кўрсатилиши шарт.

4-боб. Электрон товар-транспорт юк хатини расмийлаштирувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

26. Иштирокчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

электрон ҳужжат айланиш тизими операторлари ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда расмийлаштирилган электрон товар-транспорт юк хатини қабул қилиш ёки рад қилиш;

электрон товар-транспорт юк хатини расмийлаштириш бўйича тегишли йўриқномалар билан танишиш ва солиқ органларидан амалий ёрдам олиш;

электрон товар-транспорт юк хатини расмийлаштириш жараёнида электрон ҳужжат айланиш тизимидаги носозликлар бўйича солиқ органларига мурожаат қилиш.

электрон товар-транспорт юк хати мазкур Низом талаблари асосида юк олувчи томонидан тасдиқлангунга қадар унга қўшимча ва тузатиш киритилиши мумкин.

27. Иштирокчиларнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

юк жўнатувчи томонидан электрон товар-транспорт юк хатини расмийлаштириш билан бир вақтда электрон ҳисобварақ-фактураларни шакллантириш;

электрон шаклда расмийлаштириладиган юк хатларини имзолашда иштирокчилар албатта электрон рақамли имзога эга бўлиши.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

28. Солиқ органлари ушбу Низом талабларига риоя этилиши юзасидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширадилар.

29. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Товар-транспорт юк хатларини электрон
шаклда расмийлаштириш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

Товар-транспорт юк хатларини электрон шаклда расмийлаштириш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Юк жўнатувчи	Электрон товар-транспорт юк хати иштирокчилари, товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни шакллантириб, электрон рақамли имзо билан тасдиқлагандан сўнг оператор орқали роуминг операторига юборади.	Реал вақт режимида
2-босқич	Роуминг оператори	1. Электрон товар-транспорт юк хати реестрга киритилгандан кейин унга ID ва QR кодларини бириктириш ҳамда келиб тушган электрон товар-транспорт юк хатининг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини текшириб, иштирокчиларга унинг оператори орқали етказди. 2. Тўлдирилишида хатолар ёки камчиликлар мавжудлиги аниқланган электрон товар-транспорт юк хатини қабул қилмасдан, тегишли оператор орқали уни шакллантирган субъектга қайтади.	Реал вақт режимида
3-босқич	Юкни етказиб берувчи масъул шахс	1. Ўзига тегишли маълумотларни текширади ва юклар қабул қилганлигини тасдиқлайди. 2. Тўлдирилишида хатолар ёки камчиликлар мавжудлиги аниқланган электрон товар-транспорт юк хатини қабул қилишни рад этади.	Реал вақт режимида
4-босқич	Юкни етказиб берувчи масъул шахс	Юклар юк олувчига етказиб берилганлигини электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди.	Реал вақт режимида
5-босқич	Юк олувчи	Ўзига тегишли маълумотларни текшириб, келиб тушган электрон товар-транспорт юк хатини юк қабул қилиш жараёнида электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди ёки сабаби кўрсатилган ҳолда тасдиқлашни рад этади.	Реал вақт режимида

ID:

Товар-транспорт юк хатларини электрон
шаклда расмийлаштириш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова



20__ йил «__» _____ даги ____-сон шартномага
20__ йил «__» _____ даги ____-сон
ТОВАР-ТРАНСПОРТ ЮК ХАТИ

Ташиш тури: __ - омбордан омборгача; __ - сотувчидан харидорга

Юк жўнатувчи: _____
СТИР (ЖШШИР): _____

Юк олувчи: _____
СТИР (ЖШШИР): _____

Юкни етказиб берувчи: _____
СТИР (ЖШШИР): _____
Мижоз: _____
СТИР (ЖШШИР): _____
Шартнома рақами ва санаси: _____

Юк олувчи: _____
СТИР (ЖШШИР): _____
Буюртмачи: _____
СТИР (ЖШШИР): _____
Шартнома рақами ва санаси: _____

Транспорт тури: _____

Автомобиль
давлат рақами: _____
Ярим тиркама
давлат рақами: _____
Тиркама
давлат рақами: _____
вагон рақами: _____
Ҳаво кемаси рақами: _____
Кема рақами: _____

Русуми: _____
Русуми: _____
Русуми: _____
Тури: _____
Русуми: _____
Русуми: _____

Ҳайдовчи Ф.И.О: _____
ЖШШИР: _____

Юклаш манзили: _____

Юкни етказиб берувчи масъул шахс
Ф.И.О: _____
ЖШШИР: _____

Юкни етказиш манзили: _____

Оралик масофа (км): _____

T/P	Товарлар номи	Товарларнинг Ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация коди ва номи	Ўлчов бирлиги	Микдори (сони)	Нархи	Етказиб бериш қиймати (ҚҚСсиз)	Юк ташиш нарни	Оғирлиги (тн)	
								брутто	нетто
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Юк жўнатувчи (Юк омборидан чиқишда тасдиқланади)		Юкни етказиб берувчи масъул шахс (Юк қабул қилиб олинганда тасдиқланади)		Юкни етказиб берувчи масъул шахс (Юкни етказиб берганда тасдиқланади)		Юк олувчи (Юкни қабул қилганда тасдиқланади)
						

”.

